

13-БОБ. ЕР ЭГАЛАРИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР, ЕР УЧАСТКАЛАРИ ИЖАРАЧИЛАРИГА ВА МУЛҚДОРЛАРИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ХАМДА КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИКАРИШИ НОБУДГАРЧИЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИНИ КОПЛАШ

86-модда. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини коплаш.

87-модда. Кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чикариши нобудгарчиликларининг ўрнини коплаш.

88-модда. Кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чикариши нобудгарчиликларининг ўрнини коплаш тартибида тушадиган маблағлардан фойдаланиш.

86-модда. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини қоплаш

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда) қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланиши керак:

- ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;
- давлат қўриқхоналари, заказниклар, миллий табиат боғлари, табиат ёдгорликлари, маданий-тарихий ёдгорликлар, сув хавзалари, сув таъминоти манбалари, курортлар теварагида, дарёлар, каналлар, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бўйлаб муҳофаза, санитария ва ихота зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;
- сув хавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек кишлоқ хўжалиги экинлари ва доврахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

87-модда. Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш

Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини, шу жумладан жисмоний шахслар эгаллигидаги ва фойдаланишидаги кишлоқ хўжалиги ерларини кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашуви туфайли кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни ушбу Кодекснинг 86-моддасида назарда тутилган зарарлар ўрнини қоплашдан ташқари қопланади.

Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қуйидагилар томонидан қопланади:

- кишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилаётган кишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари ажратиб бериладиган юридик ва жисмоний шахслар;
- ерларини кишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари оборотидан чиқариб ёки у қадар қийматга эга бўлмаган ерлар қаторига ўтказган ҳолда объектлари атрофига муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатиладиган юридик ва жисмоний шахслар.


Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қуйидаги ҳолларда қопланмайди:

- ер участкалари яққа тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш учун олиб қўйилганда;
- ер участкалари мактаблар, интернатлар, болалар уйлари, мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари қуриш учун олиб қўйилганда;
- ер участкалари сув хўжалигига мелиоратив объектлар ва гидротехник иншоотлар қурилиши учун ажратилганда.



Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 25 майдаги
146-сон қарорига
2-илова

**Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари,
ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган
зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги
ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши
нобудгарчиликларининг ўрнини
қоплаш тартиби тўғрисида**



НИЗОМ



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулкида бўлган ер участкасининг қиймати, унинг бозор қийматидан келиб чиқиб баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланади.
2. Кўчириладиган турар жойлар, иморатлар ва иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар қиймати жорий нархлардан келиб чиқиб баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланади.
3. Ер олиб қўйилиши муносабати билан ажратиладиган ер участкасидан ташқаридаги жойлашган объектлар фойдаланиш мумкин бўлмаса, уларнинг қиймати жорий нархлардан келиб чиқиб баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланади.
4. Қирқиладиган кўп йиллик дарахтлар қиймати:
 - ❑ мева бергунча ёки шох-шаббаларнинг туташиб кетишига қадар етиштириш ҳаражатлари жорий нархлари бўйича баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланади.
 - ❑ мева бермайдиган мева-резавор дарахтлари, шунингдек шохлари туташмаган ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтлар қиймати бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари бўйича ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан аниқланади.

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ЭГАЛАРИ, ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ, ИЖАРАЧИЛАРИ ВА МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ЗАРАРЛАРИНИ ҚОПЛАШ

- 1. Тугалланмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қийматига олиб қўйиладиган ер участкасида амалда бажарилган ишлар (уруғлар, минерал ўғитлар, ерларни ҳайдаш, экин экиш ва бошқа ишлар) қиймати бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари бўйича ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан аниқланади.**
- 2. Бой берилган фойда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан қуйидагича аниқланади.**
 - бинолар ва иншоотлар бузилганда унинг қиймати охириги уч йилда олинган ўртача соф фойдадан ва янги жойда фаолиятни тиклаш учун зарур бўлган даврдан келиб чиқиб аниқланади;
 - қишлоқ хўжалиги ерлари олинганда охириги уч йилда олинган ўртача соф фойда миқдори тўрт йилга кўпайтирилиб аниқланади.

3. Айрим объектлар атрофида муҳофаза зоналари ўрнатилиши муносабати билан ҳуқуқлар чекланганда ушбу зоналардан бинолар ва иншоотларни кўчириш ёки ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариш мулжалланаётган тақдирда қопланади.

4. Бино ва иншоотларнинг қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланади.

5. Ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқарилганда бой берилган фойда сифатида ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан аниқланади.

6. 6. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, зарарли моддалар ажратадиган бошқа объектлар қурилиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтларининг ҳосили пасайишига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ёмонлашишига олиб келадиган ҳолатларда зарар қиймати қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашувига олиб келадиган сабабларни тугатиш бўйича тадбирлар ва ушбу ерларнинг илгариги сифат ҳолатини тиклаш бўйича тадбирлари қиймати сифатида ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан аниқланади.

7. Ер участкаларини олиб қўйиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш, қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашуви туфайли кўрилган зарарлар ва бой берилган фойда суммаси ер участкаси ажратиладиган тегишли юридик ва жисмоний шахслар томонидан зарар етказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб рақамларига ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини янги ерларни ўзлаштириш ёки мавжуд ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун мелиорация ва агромелиорация тадбирларини амалга ошириш йўли билан қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорлар ишлаб чиқариш фаолиятдан чиқарилиши муносабати билан тармоқда ишлаб чиқарилмайдиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тиклаш мақсадида қопланади.

Олинмаган маҳсулотни тиклаш бўйича давр сифатида **тўрт йил** қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари қуйидаги ҳолларда аниқланади ва қопланади:

- ✓ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари, қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ёки вақтинча олиб қўйилганда;
- ✓ объектлар атрофида ҳимоя зоналарини белгилаш натижасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини муомаладан чиқарган ёки уларни камроқ қийматли ер тоифасига ўтказганда;
- ✓ юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашувида.

Доимий фойдаланиш учун ер берилган тақдирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_{\kappa/\chi M} = \{[(C_{\text{суғ. х}} S_{\text{суғ.}}) + (C_{\text{слал. X}} S_{\text{слал.}}) + (C_{\text{суғ. X}} S_{\text{б.суғ. х}} 0.1)] + (C_{\text{слал. х}} S_{\text{б.лал. х}} 0,1) + (C_{\text{п.я. х}} S_{\text{п. я.}})] \times K_{\text{жой}} \times K_{\text{и}}\} + C_{\Phi}.$$

Ушбу формула олиб қўйиладиган ер участкасида барча ер турлари бўлиши назарда тутилган.

Бунда:

Нк/хм – қишлоқ хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги, минг сўм;

С суғ. – суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно) олиб қўйиладиган 1 гектари ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 31-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

С лалми. – олиб қўйиладиган 1 га лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

С.п.я – олиб қўйиладиган 1 га пичанзор ва яйловлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

С суғ. – олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинлари майдони (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно), га;

С лалми. – олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар майдони, га;

S б.суғ. - олиб қўйиладиган суғориладиган бўз ерлар майдони, га;

S б.лалми - олиб қўйиладиган лалми бўз ерлар майдони, га;

S п.я. - олиб қўйиладиган пичанзорлар ва яйловлар майдони, га;

К жой - олиб қўйиладиган ер участкасининг жойлашган жойини ҳисобга оладиган коэффициент ушбу Низомнинг 36 -бандига мувофиқ қабул қилинади;

К и - Низомнинг 48-бандига мувофиқ қабул қилинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасини индексация қилиш коэффициенти;

СФ - охириги тўрт йилда олиб қўйилган ер участкасида олиннадиган соф фойда суммаси, Низомнинг 35-бандига мувофиқ аниқланади, минг сўм. ($СФ = СФ..bs \times Bn \times Sn$)

Амалда фақат бир ер тури берилиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ер тури бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини аниқлаш тартибини кўриб чиқайлик.

Суғориладиган ерлар олиб қўйилганда 1 га тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати вилоятлар ва бонитет балллари бўйича Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

Минтақалар	Бонитет баллари бўйича 1 гектар тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, минг сўм									
	100	90	80	70	60	50	40	30	20	10
Андижон	43020	38718	34416	30114	25812	21510	17208	12906	8604	4302

Мисол учун, Андижон вилоятида 50 баллга тенг бўлган 1 гектар суғориладиган ер учун 21510 минг сўм тўланиши керак.

Лалми ерлар олиб қўйилганда 1 га тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати табиий зоналарда жойлашишига қараб Низомнинг 32-бандига мувофиқ қуйидаги миқдорларда белгиланган:

- ✓ текис (ёғин билан таъминланмаган) зонада - 825 минг сўм;
- ✓ текис-паст-баланд (ёғин билан ярим таъминланган) зонада - 1221 минг сўм;
- ✓ тоғолди ва тоғ (ёғин билан таъминланган) зоналарида - 1518 минг сўм.

Пичанзолар ва яйловлар олиб қўйилганида 1 га тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати баландлик зоналарда жойлашишига қараб Низомнинг 2-иловасига мувофиқ қуйидаги миқдорларда белгиланган:

« Чўл » зонасида	108,9 минг сўм;
« Адир » зонасида	110,2 минг сўм;
« Тоғ » зонасида	187,6 минг сўм.

Бўз ерларни олиб қўйилганда 1 га тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати суғориладиган бўз ерлар учун суғориладиган ерларнинг қийматига ва лалми бўз ерлар учун лалми ерларнинг қийматига Низомнинг 33-бандига мувофиқ **0.1** коэффиценти қўлланиб аниқланади.

Олиб қўйилаётган ер участкасида турли хил турдаги ерлар бўлса, уларнинг 1 га тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати алоҳида ҳисобланиб жамланади.

Ушбу умумий сумма ер участкасининг аҳоли пунктларига нисбатан жойлашувига қараб Низомнинг 3-иловасида келитирилган коэффицентга кўпайтирилади:

- Тошкент шаҳри атрофида 20 километргача масофада - **2,0**
- Вилоят марказлари атрофида 10 километргача масофада - **1,5**
- Бошқа шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек туман марказлари бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари атрофида 5 километргача масофада - **1,3**

Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш умумий суммаси индексация қилиш коэффициентига кўпайтирилади.

Низомнинг 48 - бандига мувофиқ индексация қилиш коэффициенти Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва бу коэффициент белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин қўлланилади.

Ҳисоблаб чиқарилган умумий суммага Низомнинг 35 - бандига мувофиқ тўрт йил давр учун олиб қўйиладиган ер участкасида олинадиган охириги уч йилда хўжалик бўйича ўртача йиллик соф фойда суммаси қўшимча равишда қўшилади.

1 гектарга тўғри келадиган ўртача соф фойда суммаси суғориладиган ер майдонига бўлиш йўли билан аниқланади.

37. Қишлоқ хўжалиги ерлари қишлоқ хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланиш учун ёки ижарага олиб қўйилган ва берилган ҳолатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори қишлоқ хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорига фоиз нисбатида ҳисоблаб чиқилади.

Вақтинча фойдаланиш учун ерни олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_{\text{к/х вақт.}} = N_{\text{к/хн}} \frac{\text{х } \Phi \text{ х } \text{С}}{100}, \text{ бунда:}$$

$N_{\text{к/х вақт.}}$ - вақтинча фойдаланиш учун ерни олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори, минг сўм;

$N_{\text{к/хн}}$ - қишлоқ хўжалиги ерлари доимий фойдаланиш учун олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори, минг сўм;

Φ - ер участкасини вақтинча олиб қўйиш даврига боғлиқ равишда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасига қўлланиладиган фоиз миқдори;

С - ерни вақтинча олиб қўйиш мўлжалланаётган йиллар сони.

Ер участкаси вақтинча олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари доимий олиб қўйилганда қопланадиган суммаси аниқланади. Ерни вақтинча олиб қўйиш мўлжалланаётган йиллар сонидан келиб чиқиб, **Низомнинг 37-бандига** мувофиқ ҳар бир йил учун қўйидаги фоизлар қўлланилади:

10 йилгача олинганда 4 фоиз,

11 йилдан 30 йилгача олинганда 2 фоиз,

31 йилдан 50 йилгача олинганда 1 фоиз.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш суммалари туман (шаҳар) комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ва ер участкаларини танлаш материаллари билан биргаликда давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ўрмон хўжалиги нобудгарчилигининг миқдорини аниқлаш ҳам қишлоқ хўжалиги нобудгарчилигини аниқлаш услуги бўйича амалга оширилади.

Ўрмон фондининг суғориладиган ерлари олиб қўйилганда **Низомнинг 1- иловасига** мувофиқ 1 гектар янги ерларни ўзлаштириш қиймати қабул қилинади.

1 гектарга тўғри келадиган ўрмон ва қўшимча маҳсулотларни сотишдан охириги уч йилда олинадиган ўртача соф фойда миқдори ўрмон хўжаликлари маълумотлари бўйича қабул қилинади.

40. Ўрмон билан қопланган ва дарахти сийрак ерлар, шунингдек ўрмон ўсимликлари, уруғликли, тугунчали ва саноат плантациялари бўлган ёнғоқ мевали, мевали ва бошқа қимматли турлар билан банд бўлган ерлар олиб қўйилганда ўрмон хўжалиги нобудгарчиликлари суммаси янги ерларни ўзлаштириш ва монанд дарахтзорлар барпо этиш бўйича ишларни бажариш даврида ўрмон маҳсулотларини сотишдан олинадиган фойда ва қўшимча фойдаланиладиган маҳсулотлар нобудгарчилиги ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_{\text{ў/х}} = S [C_{\text{суғ.}} + T (\Phi_{\text{ўр.мах.}} + \Phi_{\text{ўр.қўш.}})], \text{ бунда:}$$

$N_{\text{ў/х}}$ - ўрмон билан қопланган майдонлар олиб қўйилганда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори, минг сўм;

S - ўрмон ўсимликлари билан банд бўлган олиб қўйиладиган ўрмон ерларининг майдони, га;

$C_{\text{суғ.}}$ - олиб қўйиладиган ерлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш зарурлигидан келиб чиқиб аниқланадиган ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг солиштирма миқдори 31-бандга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади;

табиий зоналар бўйича ўрмон ерларнинг жойлашишига қараб суғорилмайдиган ўрмон ерлари олиб қўйилганда - ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ лалми экин ерлари олиб қўйилиши учун ставкалар қўлланган ҳолда - минг сўм/га;

T - янги ерларни ўзлаштириш ишларини лойиҳалаштириш ва бажариш учун зарур бўлган вақт, йил (ўртача тўрт йилда қабул қилинади);

$\Phi_{\text{ўр.мах.}}$ - 1 гектардан ўрмон маҳсулотларини (ёғоч-тахта, ёнғоқ, мева, уруғлик, резавор мева) реализация қилишдан олинган ўртача уч йилдаги фойда (хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари бўйича қабул қилинади), йилда /га минг сўм;

$\Phi_{\text{ўр.қўш.}}$ - 1 гектар ўрмонга қайта ҳисоблаганда қўшимча маҳсулотларни (доривор ва бошқа фойдали ўсимликлар, пичан, асаларичилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар)ни реализация қилишдан олинган ўртача уч йилдаги фойда (хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари бўйича қабул қилинади), йилда/га минг сўм.

**Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ижарачилари ва мулкдорлари кўрган зарарларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини аниқлаш
С Х Е М А С И**

Туман (шаҳар) ҳокими (ер участкаси ажратиш тўғрисида ариза - **3 кун**)

Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими (**1 кун**)

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатувчи ваколатли бўлинмалари

Бошқа зарарларни қоплаш (**10 кун**)

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини аниқлаш (**5 кун**)

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш чиқариш нобудгарчиликлари миқдорини аниқлаш материаллари ер участкасини танлаш материаллари билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланиши (**3 кун**)

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) (**1 кун**)

«Давархитекурақурилиш» қўмитасининг ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатувчи ваколатли бўлинмалари

Бино ва иншоотларни баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолаш (**20 кун**)

Зарар миқдорини ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ижрачилари ва мулкдорлари билан келишиш (**10 кун**)

Туман (шаҳар) ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулоса беради (**5 кун**)

**Эътиборингиз учун
рахмат**